

Шаъбон ойи рўзаси



08:30 / 15.03.2021 14010

Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Рамазондан бошқа ойнинг рўзасини тўлиқ тутганларини кўрмадим. Шаъбонда тутганчалик кўп рўза тутганларини ҳам кўрмадим. Унинг кўп қисмида эмас, балки ҳаммасида рўза тутар эдилар (десак ҳам бўлаверади)».

Тўртовлари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Ушбу ривоятда асосан, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг фақат Рамазон ойининг рўзасини тўлиқ тутганларини билиб оламиз. Чунки Аллоҳнинг амри шундай. Рамазондан кейин энг кўп рўза тутиладиган ой Шаъбон экан.

Умму Салама розияллоху анҳо:

«Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг Шаъбон ва Рамазондан бошқада икки ой кетма-кет рўза тутганларини кўрмадим», дедилар».

Термизий яхши санад билан ривоят қилган.

Шарҳ: Шаъбон ва Рамазон ойлари кетма-кет келиши маълум, Пайғамбаримиз алайҳиссалом шу икки ойнинг рўзасини тутган эканлар. Бундан ҳам Шаъбон ойи рўзасининг фазилатли эканлигини билиб оламиз.

Имрон ибн Хусойн розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам бир кишига:

«Бу ойнинг ўртасида бирор нарса тутдингми?» дедилар. Ҳалиги киши:

«Йўқ», деди. У зот соллаллоху алайҳи васаллам:

«Унда Рамазондан (сўнг) оғзинг очиқ бўлганда унинг ўрнига икки кун рўза тут», дедилар».

Икки Шайх ривоят қилганлар.

Шарҳ: Бошқа бир ривоятда:

«Шаъбоннинг ўртасида рўза тутдингми?» деганлар. У киши «Йўқ», деганидан кейин:

«Ундай бўлса, оғзинг очиқ бўлганида зиммангдаги ўрнига икки кун рўза тут», деганлар.

Бундан Шаъбон ойида ҳеч бўлмаса икки кун рўза тутиш кераклиги келиб чиқади.

Ўз-ўзидан «Нима учун Шаъбон ойида нафл рўза тутишга бунчалар аҳамият берилади?» деган савол пайдо бўлади.

Бу саволнинг жавобини Имом Насайй Усома розияллоху анҳудан ривоят қилган ҳадисдан топамиз. Унда қуйидагилар айтилади:

«Эй Аллоҳнинг Расули, ойлардан ҳеч бирида Шаъбонда рўза тутганингиздек рўза тутганингизни кўрмадим», дедим.

У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Бу бир ойки, одамлар ундан ғофил қолурлар. У Ражаб билан Рамазоннинг орасида. Бу бир ойки, унда амаллар Роббил олабийнга кўтарилур. Менинг амалим кўтарилаётганда рўзадор бўлишни яхши кўраман», дедилар».

Бунинг устига, рўзаси фарз қилинган Рамазон ойидан олдинги ой – Шаъбонда рўза тутишни яхшилаб машқ қилиб, Рамазонга кирилса, унинг рўзаси яна ҳам мукамал ва бенуқсон бўлади. Бу худди фарз намоздан олдин суннат намоз ўқиб, яхшилаб тайёргарлик кўриб олишга ўхшайди.

Аввалги ўрганган ҳадисларимизда Рамазондан кейинги рўзаси энг афзал ой Муҳаррам ойи дейилган эди. Энди эса Шаъбон ҳам шу маънога даъвогар бўлиб қолмоқда. Шунинг учун ҳам баъзи уламоларимиз «Муҳаррам ойи рўзасининг афзаллиги Рамазон ва Шаъбонниқидан кейин», деганлар.

Ушбу фаслда ўрганган ҳадисларимизда Шаъбон ойида иложи борича кўпроқ рўза тутишга тарғиб қилинмоқда. «Рўза тутиш ман қилинган кунлар» фаслида эса «Шаъбон ойи охиридан бир ёки икки кун рўза тутиш ҳаром», «Шаъбон ойининг ўн олтинчисидан бошлаб рўза тутиш макруҳ», дейилган эди. Шу ерда «Булар бир-бирига қарама-қарши ҳукмлар эмасми?» деган савол туғилиши табиий. Жавоб шуки, бу ерда ҳеч қандай қарама-қаршилиқ йўқ. Чунки ўша «Рўза тутиш ман қилинган кунлар» фаслининг ўзида ҳам «Агар рўза тутишга одатланган бўлса...», деган жумла бор. Демак, Шаъбон ойида доимо нафл рўза тутишга одатланган одам тутаверади. Аммо одатланмаган бўлса-ю, Рамазон кириб қолган бўлса, нима бўлади, деган васваса билан кишилар ўртасида ихтилоф пайдо қилиши мумкин бўлган рўзадан наҳий қилинган.

Демак, ўртада ҳеч қандай қарама-қаршилиқ йўқ.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан